



## ТАЪЛИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ АСОСИДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЎҚИТИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Рахматуллаева Д.*

*Профессионал таълимни ривожлантириш институти “Таълимда бошқарув”  
кафедраси профессори (в.б.), п.ф.д. (DSc)*

*Рахматов Я.*

*Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги бош мутахассиси*

**Таянч сўзлар:** таълим, таълим ресурси, рақамли таълим ресурси, инновацион ёндошув, рақамлаштириш, таълим жараёни, таълим сифати.

**Ключевые слова:** образование, образовательный ресурс, цифровой образовательный ресурс, инновационный подход, цифровизация, образовательный процесс, качество образования.

**Key words:** education, educational resource, digital educational resource, innovative approach, digitalization, educational process, quality of education.

Таълим тизимини рақамлаштириш шароитида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар қатори профессионал таълим тизимидаги ислохотлар ҳам шиддат билан ривожланмоқда.

Таълим тизимида инновацион ёндашув асосида ташкил этилиши ўқув жараёнларини сифатини ошириш билан бирга, фан, техника ва ишлаб чиқариш интеграциясига ва мамлакат тараққиётини жадал ўсишига олиб келмоқда. Айни вақтда, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятини берувчи инновацион ўқитиш материалларини ишлаб чиқишини таъминлаш вазифаларини ҳам амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 24-майдаги “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги ПҚ-162-сон қарорида таълимни рақамлаштириш бўйича ахборот тизимлари ҳамда электрон таълим ресурсларини (контент) яратиш зарурли-



ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”нинг “Таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш” бандида таълим жараёнларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таълим технологияларининг мустақкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш; таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш ва бошқа вазифалар белгилаб берилган.

Бугунги замонавий технологиялар ривожланган жамиятда профессионал таълим тизимига ҳам рақамли технологияларнинг жорий этилиши бу нафақат таълим берувчиларга балки ўқувчиларни ҳам таълим жараёнига бўлган қизиқишини ортишига, таълим сифатини ошишига ва уларнинг касбий фаолиятига қизиқишини ортишига олиб келмоқда.

Бу борада, хусусан ёшларни, касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш бўйича барча зарурий шарт-шароитлар яратилган ва манзилли ҳамда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ ёшлар ушбу шароитлардан фойдаланиш ўрнига, кўп вақтларини интернетдан фойдаланишга сарфламоқдалар.

Мамлакатимизда 2020-йил якунида нашр этилган ҳисобот натижаларига кўра, интернет хизматидан фойдаланувчилар сони – 22,1 миллиондан ошгани ҳамда улардан мобил интернет фойдаланувчилари сони 19 миллион кишини ташкил этгани маълум бўлди. Ёшларнинг 85 фоизи интернетдан, улардан 76 фоизи асосан уяли телефондан фойдаланиши аниқланиб, унинг интернетдан уй шароитида (44%) ва ўқишда (22%) кўпроқ фойдаланишлари намоён бўлди. Ёшларнинг интернетдан фойдаланишини тўғри йўналтириш орқали уларни жамиятда ўз ўрнига эга бўлишга ёрдам бериш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бунда уларни касб-хунарга йўналтириш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқали ўз-ўзини бандлигини таъминлаш асосида реал даромад манбаига эга бўлиши, бу нафақат ўз оиласига балки жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишини таъминлайди.

Профессионал таълим тизимидаги касб-хунарга мактаб, коллеж ва техникумларда ҳам рақамли таълим ресурсларни кенг жорий этиш ва таълим муассасаларни электрон ўқув методик таъминот билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Профессионал таълим тизимида “Энг яхши рақамли таълим ресурслари” Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги буйруғ ишлаб чиқилиб, ушбу буйруқ асосида профессионал таълим муассасаларида фан ва ўқув амалиётларидан рақамли таълим ресурсларини ишлаб



чиқилиш бўйича Республика кўрик-танлови ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси белгилаб берилди.

Республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказишдан асосий мақсад қуйидагилар ҳисобланади:

- профессионал таълим муассасалари ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан яратилган рақамли таълим ресурсларини жамлаш, такомиллаштириш ва оммалаштириш;
- профессионал таълим тизимида рақамли таълим ресурсларининг ишлаб чиқилишини қўллаб-қувватлаш;
- яратилган рақамли таълим ресурсларини миллий Интернет тармоғига эркин фойдаланиш учун жойлаштириш, улар тўғрисида кенг педагогик жамоатчиликни хабардор қилиш;
- таълим-тарбия жараёнига рақамли таълим ресурсларини жорий этиш бўйича услубий жиҳатдан кўмаклашиш;
- таълим жараёнида рақамли технологияларни самарали қўллаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантириш.

Мазкур платформага 320 ўқув меъёрий ҳужжатлар, 527 ўқув адабиётлар, 1137 ўқитиш материаллари тўпламлари, 119 дарслик ва ўқув қўлланмалар,

245 методик маҳсулотлар жойлаштириш.

Амалга ошириляётган ишларнинг давоми сифатида Профессional таълим муассасаларида машғулотларни АКТ воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтилишини қўллаб-қувватлаш, педагоглар томонидан ишлаб чиқилган рақамли таълим ресурсларини оммалаштириш, ўқувчиларнинг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида [rtr.profedu.uz](http://rtr.profedu.uz) рақамли таълим ресурслари платформаси яратилди.

Ҳозирги кунда профессионал таълим тизими таълим дастурларига мувофиқ профессионал таълимнинг:

- 3-даражасининг 103 та касблари бўйича 153 та умумкасбий фан, 317 та махсус фан ва 230 та ўқув амалиётлари;
- 4-даражасининг 123 та касб ва мутахассисликлари бўйича 243 та умумкасбий фан, 483 та махсус фан ва 262 та ўқув амалиёти;
- 5-даражасининг 190 та касб ва мутахассисликлари бўйича 55 та табиий ва гуманитар фан, 639 та мутахассислик фан ва 251 та ўқув амалиётлари мавжуд.

Шу кунгача эса [rtr.profedu.uz](http://rtr.profedu.uz) рақамли таълим ресурслари платформасига профессионал таълим тизими касблари ва мутахассисликлари бўйи-




ча ўқитилаётган 16 та фанларнинг рақамли таълим ресурслари жойлаштирилган. Шунингдек платформага 20 дан ортиқ видеоматериаллар ҳамда профессионал таълим тизимининг 82 та касб ва мутахассисликларининг профессиограммалари жойлаштирилган.

Профессионал таълим муассасаси ўқувчиларида рақамли таълим технологиялари асосида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган “Бизнес асослари” фани бўйича ҳам электрон таълим ресурслари ишлаб чиқилди ва rtr.profedu.uz рақамли таълим ресурслар платформасига жойлаштирилди.

1-расм.



1-расм. rtr.profedu.uz рақамли таълим ресурслар платформаси



2-расм. “Бизнес асослари” фани бўйича электрон таълим ресурси

Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларида рақамли технологиялар асосида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган “Бизнес асослари” фани бўйича тайёрланган электрон таълим ресурсида ўқув дастур, маъруза матни, тақдимотлар, назарий ва амалий топшириқлар, глоссарийлар, мавзуга оид



кўргазмалари қурулган, аудио ва видео материаллар ҳамда баҳолаш воситалари қамраб олинган.

**BIZNES ASOSLARI**

Bosh sahifa | Boshlang'ich professional ta'lim |

Mundarija

- 1-mavzu
- 2-mavzu
- 3-mavzu
- 4-mavzu
- 5-mavzu
- 6-mavzu
- 7-mavzu
- 8-mavzu

Maruza matn | Ta'qdimotlar | Nazariy-amaliy topshiriqlar

**TADBIRKORLIKDA O'Z-O'ZINI BAND QILISH FAOLIYATI VA UNING IMKONIYATLARI**

**Reja:**

- O'z-o'zini band qilish faoliyat yo'nalishlari.
- O'z-o'zini band qilish faoliyati mazmuni ro'yhatdan o'tkazish tartibi.
- Frilanserlik.

1. O'z-o'zini band qilish faoliyat yo'nalishlari.

Mehnat staji hisoblanishi uchun o'zini o'zi band qilgan shaxslar, mehnat shartnomasi asosida chet elda ishlayotgan O'zbekiston Respublikasi

3-расм. “Бизнес асослари” фани бўйича тайёрланган электрон таълим ресурси таркиби.

“Бизнес асослари” фани бўйича тайёрланган электрон таълим ресурси профессионал таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ўқув дастур 60 соатга мўлжалланган.

**Professional ta'limni rivojlantirish instituti**

**BIZNES ASOSLARI**

31010101 Sotuvchi nazoratchi - kassir

120 - SOAT

rtr.profedu.uz

4-расм. “Бизнес асослари” фани бўйича тайёрланган электрон таълим ресурси таркиби.



## TADBIRKORLIKDA O‘Z-O‘ZINI BAND QILISH FAOLIYATI VA UNING IMKONIYATLARI

### REJA



O‘z-o‘zini band qilish faoliyat yo‘nalishlari

O‘z-o‘zini band qilish faoliyati mazmuni ro‘yhatdan o‘tkazish tartibi

Frilanserlik

### O‘Z-O‘ZINI BAND QILISH FAOLIYAT YO‘NALISHLARI

*5-расм. “Бизнес асослари” фани бўйича тайёрланган электрон таълим ресурси таркиби.*

Демак, таълим жараёнларини сифатини ошириш ва замонавий таълим воситалар билан таъминлашди педагог кадрларни сифатли рақамли таълим ресурсларини ишлаб чиқишга қизиқтириш ва рағбатлантириш, рақамли таълим ресурсларини жамлаш, тизимлаштириш, энг сифатли таълим ресурсларини танлаб олиб, республикага оммалаштириш ва [rtr.profedu.uz](http://rtr.profedu.uz) платформасига жойлаштириш, рақамли таълим ресурсларини яратиш бўйича илғор тажрибаларни кенг оммалаштириш учун “Энг яхши рақамли таълим ресурслари” Республика танловини ҳар йили ўтказиш лозим.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 24-майдаги “Рақамли хизматлар камрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-162-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2023 йил 6 июндаги “Энг яхши рақамли таълим ресурслари” Республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида”ги 329 сонли буйруғ.
4. Raxmatullayeva D.R. O‘quvchilarning tadbirkorlik faoliyatiga tayyorgarlik darajasini aniqlash metodikasini joriy etish va pedagogik samaradorligini baholash uslubiyati // Ta‘lim, fan va innovatsiya. –Т.: 2020, – 2-сон. – В. 17-21. (13.00.00; №18).
5. Raxmatullayeva D.R. Professional ta‘lim muassasalari o‘qituvchilarida tadbirkorlik kompetensiyalarini rivojlantirish // “Professional ta‘lim muassasalari boshqaruv va pedagog kadrlarini



masofadan o'qitishni rivojlantirish" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy seminari. Pedagogik innovatsiyalar instituti. –T.: 2021, –B. 17-19.

6. Raxmatullayeva D.R. Intelektual yoshlarni tayyorlashda tadbirkorlik kompetensiyasini shakllantirish // "O'zbekiston yoshlari: agrar soha rivojida mening hissam" mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi. Toshkent davlat agrar universiteti. –T.: 2020, –B. 46-48.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада таълимни рақамлаштириш асосида профессионал таълим тизимининг ўқитиш сифатини оширишда рақамли таълим ресурсларини ишлаб чиқиш зарурати ва унинг аҳамияти, долзарблиги ҳамда "Энг яхши рақамли таълим ресурслари" кўрик-танловини ўтказиш мақсадлари ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье освещена необходимость развития цифровых образовательных ресурсов в повышении качества преподавания системы профессионального образования на основе цифровизации образования, ее важность, актуальность, а также цели конкурса «Лучшие цифровые образовательные ресурсы».

**SUMMARY**

This article highlights the need to develop digital educational resources in improving the quality of teaching in the vocational education system based on the digitalization of education, its importance, relevance, as well as the goals of the "Best Digital Educational Resources" competition.